




Андижонда оммавий ахборот воситалари ходимлари ва фахрий журналистлар ўртасида шахмат мусобақаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 14 январдаги "Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Андижон вилоят бўлими ҳамда "Hamkorbank" АТБ ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақа ҳақиқий шахмат байрамига айланди.

— Мамлакатимизда эълон қилинган шахмат ойлиги доирасида ташкил этилган мусобақада соҳа вакиллари катта қизиқиш билан иштирок этди, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Андижон вилоят бўлими раиси Назиржон Саидов. — Бу спорт байрами Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарори ижросини таъминлаш, қолаверса, шахматнинг оммавийлигини янада оширишга хизмат қилади.

Эркалар ва аёллар ўртасида олимпия тизимида ўтказилган мусобақанинг якуний натижаларига кўра, "Иқбол" газетаси жамоатчи мухбири Хадятулло Собир-



Ушбу сонда:




ХОРИЖДА ИШЛАШНИ ИСТАГАНЛАР



СИЗ ХАМ ТЕАТРГА БОРИНГ!



VISA БИЛАН ҚУЛАЙЛИК



НОС САРАТОННИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ...МИ?

ЖУРНАЛИСТЛАР "НАМКОРBANK" СОВРИНИ УЧУН КУРАШДИ



хўжаев биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўрин "Жалакудук ҳаёти" газетаси ходими Отабек Шокировга, учинчи ўрин фахрий журналист Ашурали Маматовга насиб этди. Аёллар ўртасидаги баҳсларда "Тасвирий ойна" уюшмаси Андижон вилоят бўлими ходимаси Мунисахон Сулаймонова ғолибликни эгаллади.

Ушбу тадбир соҳа ходимларини янада жипслаштирди. Энг асосийси, спортнинг бу турининг оммавийлигини оширишга қаратилган эътибор шахмат ихлосмандларини хурсанд қилди. Иштирокчиларнинг кўпчилиги ёшлар. Тажрибали устозлар билан

тош суриш, ғолиб бўлиш улар учун осон кечмади, албатта. Шунга қарамай ғолиблик учун астойдил ҳаракат қилдилар. Асосийси янги марралар сари ундади.

Ғолиб ва совриндорлар мусобақа ташкилотчиларининг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, "Энг ёш шахматчи", "Энг фаол шахматчи", "Энг ёши улуг шахматчи" номинациялари бўйича ҳам бир гуруҳ иштирокчилар рағбатлантирилди.

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ.
Бегзод МУТАЛЛИБОВ
олган суратлар.

ИҚТИСОДИЁТ

Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб валюта биржалари ҳар куни соат 10:00 дан 15:00 гача доимий ишлайди. Биржа иш куни якунлангандан кейин Марказий банк биржадаги ўртача нархлардан келиб чиққан ҳолда, ҳар куни валюта курсларини янгиллаб боради.

ЭНДИ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАР КУРСИ ҲАР КУНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Марказий банк томонидан 2021 йилда амалга оширилиши мақсад қилинган асосий режалардан бири — миллий валютанинг чет эл валютасига қарамлигини камайтириш ва инфляция даражасини 10 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлашдир.

Шунингдек, тадбиркорлар тижорат банкларидан онлайн тарзда буюртма бериб, тўғридан-тўғри валюта харид қилиш имкониятига эга бўлишади.



Эслатиб ўтамиз, Президентнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2021 йилда нарх-наво ўсишини 10 фоиздан оширмаслик Марказий банк ва Ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлиши кераклиги таъкидланганди.

ИСЛОМ МОЛИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОНГА КИРИБ КЕЛМОҚДА

Марказий банк Ислом молияси тушунчаси нобанк ташкилотлар тўғрисидаги янги қонунга киритилишини маълум қилди.

Ислом молияси — шариат тамойилларига зид бўлмаган молиявий бизнесни акс эттирувчи атама. Анъанавий молия, хусусан, одатдаги банк бизнеси, маблағларни жалб этиш ва аҳоли ҳамда тадбиркорларни молиялаштиришга таянади. Шунинг учун банкир билан мижозлар ўртасидаги муносабатлар ҳар доим қарздор-кредитор муносабатларидир. Анъанавий банк ишининг асосий жиҳати шариат томонидан тақиқланган фоизлардан иборат.

Анъанавий банк ишининг энг муҳим жиҳати шундаки, пул пулни яратади ёки пул фоиз мукофот пулига эга. Ушбу амалиёт судхўрлик (арабча "рибо") Ислом молияси тамойилларига зид ҳисобланади. Пул ҳеч қачон товар сифа-

тида қабул қилинмайди. Бунинг ўрнига Ислом қонунчилиги доимий равишда пулни алмашинув воситаси, қиймат ўлчови ва ҳисоб-китоб бирлиги сифатида кўради. Пул ўз-ўзидан пул яратилмаслиги сабабли, фоизга муқобил равишда пул ва фойда ўртасида боғлиқлик ўрнатилиши керак.

Айнан шунинг учун, Ислом банклари биринчи навбатда савдо, лизинг ва пуллик операциялар ҳамда инвестиция фаолияти билан шуғулланади. Ислом банклари фоиз олиш мақсадида депозит олиш ва қарз беришлари мумкин эмас. Ислом банклари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатларнинг моҳияти турли хил молиявий инструментлар ёки шартномаларга кўра фарқ қилади.

БУГУННИНГ НАФАСИ



Президент фармо-ни билан пандемия даври-да тадбиркорларга берилган айрим имтиёзларни 2021 йил охиригача сақлаб қолиш таклиф этилмоқда. Унга кўра, 20 мингта тадбиркорнинг 400 млрд. сўм солиғи тўлови кечиктирилади.

Хукумат қарори билан ДХХ Чегара қўшинларига кўмаклашувчи 10 кишилик отрядлар ташкил этилмоқда. Уларга чегарага яқин ҳудудда яшовчи ёки ишловчи аҳоли орасидан соғлом 18 ёшдан юқори, 60 ёшдан ошмаган фуқаролар танлаб олинади. Отряд аъзоларига ойлик тўловлар ҳам ажратилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълум қилишича, эндиликда ишсизлик нафақаси барча тоифадаги ишсизларга 12 ойлик давр ичида 26 календарь ҳафта давомида тўланиши белгиланмоқда.

Иқтисодиёт, архитектура ва қурилиш ишлари-ни жаҳон стандартларига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлаш учун Андижон шаҳрида "Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти" ташкил қилинди.

Марказий банк бошқаруви асосий ставкани йиллик 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирди. 2021 йилда ЯИМнинг реал ўсиши 4,5–5,5 фоиз даражада бўлиши, инфляция даражасининг 9–10 фоизга қадар янада пасайиши кутилмоқда.

"Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунга киритилган қўшимчаларга кўра, эндиликда товарларнинг нархлари чет эл валюталари ва шартли бирликларига боғланиши мумкин. Бундан ташқари, фақат 1 млн. АҚШ долларидан ортиқ лойиҳаларнинг тендер ҳужжатлари келишилиши ҳам белгиланмоқда.

Давлат статисти-ка қўмитаси маълумотларига кўра, 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида республикада 218 853,5 млрд. сўмлик бозор хизматлари кўрсатилган. Хизматларнинг номинал ҳажми 25 155,7 млрд. сўмга ошиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 102,3 фоизни ташкил этган.

"SPACEX" НИНГ РЕКОРД ПАРВОЗИ



"SpaceX" компанияси бортида 143 та сунъий йўлдош бўлган "Falcon 9" ракетасини фазога учирди. Бу фазогирлик тарихида бир вақтда фазовий қурилмаларнинг орбитага чиқарилиши бўйича рекорд кўрсаткич ҳисобланади.

Ракета бортида 30 та буюртмачининг 143 та, жумладан, Starlink интернет тармоғининг 10 та сунъий йўлдоши орбитага чиқарилди. Қурилмаларнинг умумий оғирлиги 5 тоннани ташкил қилади.

ЭЛЧИ

ҚОЧИБ КЕТДИ

Корея Халқ Демократик Республикаси (КХДР)нинг Кувайтдаги элчихонаси раҳбари вазифасини бажарувчи Рю Хён Ву Жанубий Кореяга қочиб кетди.

Дипломатнинг қочиб кетиши тафсилотлари очиқланмаган. Бироқ Жанубий Кореядаги баъзи маҳаллий оммавий ахборот воситалари Рю Хён Вуни КХДР Меҳнат партияси Марказий қўмитасининг 39-бюроси собиқ раҳбарининг куёви, собиқ раҳбар эса 2017 йилга қадар гўёки КХДР раҳбарларининг махфий жамғармаси учун масъул бўлганлигини билдиришяпти.



ПОРТЛАШДАН 2 ҲАФТА ЎТГАЧ...

Хитойнинг Шандун провинциясида 11 январда портлаш юз берган олтин конидан 11 кончи тирик ҳолда юзага чиқариб олинди.

Портлаш юз берганда конда 22 киши бор эди. Қутқарувчилар кончиларнинг бир гуруҳи билан алоқа ўрнатишга муваффақ бўлишган. Яна 10 кишининг тақдири номаълумлигича қолмоқда.

Қутқарув амалиётига 633 киши ва 407 та техника жалб қилингани айтилмоқда.



ТРАМП ҚАНЧА ПЕНСИЯ ОЛИШИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

АҚШнинг собиқ президенти Дональд Трамп йилига 221,4 минг доллар (ойига 18,45 минг доллар) пенсия ва ижтимоий имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга. Аммо у булардан маҳрум бўлиши ҳам мумкин, деб ёзади CNN.

1958 йилда қабул қилинган собиқ президентлар тўғрисидаги федерал қонунга кўра, имтиёзлар импичмент ёки жинояти учун судланганлиги сабабли лавозимидан четлатилмаган президентларгагина берилади.

Дональд Трамп пенсиядан ташқари умрининг охиригача қўриқчилар билан таъминланиши кўзда тутилган. Уни ва собиқ хоним Мелания Трампни қўриқлаш учун давлат бюджетидан йилига 1,5 миллион долларга яқин пул ажратилиши мумкин.



Португалияда Президент сайловлари бўлиб ўтди ва унда мамлакатнинг амалдаги Президенти Марселу Ребелу де Соуза ғолиб бўлди.

ПОРТУГАЛИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗ ЛАВОЗИМИГА ҚАЙТА САЙЛАНДИ



Сайлов яқунлари маълум бўлгач, де Соуза нутқ сўзлаб, португалияликлар иложи бори-ча тезроқ коронавирус пандемиясини енгишни, ишчи ўринларни ва даромадларни қайта тиклашни, ночорликка қарши курашишни, шунингдек, кучли ва ишончга лойиқ раҳбарият остидаги барқарор сиёсий тизимга эга бўлишни истагини айтди.

Сайловлар Португалияда коронавирус билан боғлиқ вазият ёмонлашган бир пайтда бўлиб ўтди. Мамлакатда 15 январдан яна кучли карантин жорий қилинди, худди баҳордаги каби чоралар амалиётга киритилди.

50 ёшли британиялик ишсиз фуқаро Мартин Гилби уйида сабзи тугаб қолгани сабабли ярим тунда дўконга боришга мажбур бўлади.

Сабзи нархи арзонроқ бўлгани сабабли сотувчи унга харидни амалга ошириш учун етарли маблағ тўплаш мақсадида лотерея чиптасини қўшиб олишни таклиф қилади.

Уйин куни Гилби миллий лотерея дастуридан фойдаланиб, чипталар рақамини сканердан ўтказди ва



САБЗИ САБАБ БИР КЕЧАДА БОЙИБ КЕТДИ

ютуқ миқдори 119 151 фунт (тахминан 163 000 доллар) эканлигини кўриб кўзларига ишонмайди. Бу тизимдаги носозлик бўлса керак, деган ўйда лотереясини бошқа усулда текшириб кўради ва аввалги миқдордаги ютуқнинг эгасига айланади.

ЮПУН ҲОЛДА ШИФОХОНАГА ЕТКАЗИЛГАНИ САБАБЛИ...

Мўғулистон парламенти кўпчилик овоз билан бош вазир Ухнаагийн Хурэлсух ва унинг ҳукуматининг истеъфосини қабул қилди. Бунга кўзи ёриган аёлнинг совуқ ҳаво бўлишига қарамай юпун ҳолатда туғуруқхонадан бошқа шифохонага етказилгани сабаб бўлган.

Маълум қилинишича, истеъфога кетган ҳукумат ўтган йилнинг июлидагина шакллантирилган эди. Бош вазир дастлаб ҳукуматни истеъфога жўнатишни таклиф қилгач, ўзи ҳам лавозимини тарк этишга тайёрлигини билдирганди.



БРИТАНИЯ КОМПАНИЯЛАРИ МАМЛАКАТДАН ЧИҚИБ КЕТМОҚДА

Британиянинг 50 га яқин компанияси Brexit сабабли Францияга кўчиб ўтди.

Франция банки раҳбарининг сўзларига кўра, Brexit Британия компанияларининг бир қисми ва уларнинг активларини (жами 170 миллиард евро) мамлакат иқтисодиётига жалб этишга ёрдам берди. Унинг ишонч билдиришича, 2021 йилда бу жараён янада тезлашади.

Маълумот берилишича, Буюк Британиядан Францияга 5 мингга яқин иш ўрни кўчирилган.



"Фарб фондлари "Telegram" учун 30 миллиард долларлик сармоя таклиф қилди, аммо мессенжер асосчиси Павел Дуров пулни рад этди", деб ёзади "The Bell" нашри. Газета хабарига кўра, маблағларни таклиф қилувчилар 5 фоиздан 10 фоизгача улуш олишни талаб қилишган.

30 МИЛЛИАРДЛИК САРМОЯНИ РАД ЭТДИ

Аввалроқ "Telegram" Америка банкларида юз миллионлаб доллар маблағ сўраб мурожат қилган. Бироқ Дуров бу пулни мессенжердаги улушини бермасдан, қарз сифатида олмоқчи бўлган эди.



Кейинги йилларда хорижда ишлаётган фуқароларга нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда ҳал қилиш бўйича янги тизим жорий қилинди.

Эндиликда ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ тушунмовчиликларнинг олдини олиш, хорижда ишламоқчи бўлган шахсларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, фуқароларнинг чет элда бўлиш даврида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хориждан қайтган меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш долзарб вазифага айланди. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги Андижон вилояти филиали раҳбари Улуғбек ЮЛДАШЕВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— **Ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ қатор муаммолар ечимини топмоқда. Шу маънода тизимда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Чиндан ҳам хорижий давлатларга бориб ишлаш истагидаги фуқаролар сони ортиб бормоқда. Бироқ ташкиллаштирилган ҳолда хорижда ишга жойлаштириш, улар билан доимий мулоқот қилиш ва муаммоларни бартараф этиш, уларни қайтиб келгач иш билан таъминлаш бўйича фаолият қоникарсиз деб топилди. Жаҳон миқёсида юз бераётган жараёнлар ва ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, меҳнат бозори ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш мақсадида ташқи меҳнат миграцияси йўналишида янги тизим йўлга қўйилди. Ишлаш мақсадида хорижга кетаётган юртдошларимиз фаолиятини қонунийлаштириш, касбга ўқитиш, тил ўргатиш, кредит ажратиш унинг асосини ташкил этади. Шунингдек, ташқи меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорлик ривожланмоқда. Хориждаги ватандошлар ташкилоти ва ўзбек диаспоралари билан алоқалар ўрнатиляпти. Мигрантларни касб-ҳунарга ўргатиш, хорижий тилларни ўқитишни самарали йўлга қўйиш, уларга касбий малакасини тасдиқловчи халқаро сертификатларни бериш тизими жорий этилди.

Ҳозирда вилоятдан чет давлатларга чиқиб кетган мигрантлар сони 226 минг 92 нафарни ташкил этади. Шундан 199 минг 704 нафари ишлаш мақсадида Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларига кетган. Соҳалар бўйича олиб қараганда энг кўпи қурилиш, саноат ва хизматлар соҳасида ишловчилар.

2021 йил 1 январдан "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган оила аъзоси сифатида белгиланган ва ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетаётган шахсларга микроқарзлар бериш тартиби жорий қилинди. Бу маблағ уларнинг ишга жойлашиш (жумладан, йўл ҳақини тўлаш ва меҳнат фаолиятига рухсат олиш) билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 10 миллион сўмгача бир йил муддатга берилади. Микроқарз фоиз ставкасининг Марказий банк асо-

сий ставкасидан ошадиган, бироқ, асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми Бандликка кўмакла-



шиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилинади.

Микроқарз ҳамда унга ҳисобланган фоизлар қарз олувчининг (оила аъзоларининг) хоҳишига кўра уларнинг ҳисобварақларига халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали келиб тушган маблағлардан ушлаб қолиш йўли билан ҳамда қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа усулларда тўланиши мумкин.

Яна бир эътиборли масала — ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш ўзини-ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турларига тенглаштирилади ва унга ўзини-ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган солиқларни тўлаш ҳамда пенсия миқдорини ҳисоблаш тартиби қўлланилади.

— **Шу ўринда савол туғилади: миграция марказининг ташкил этилиши нима берди?**

— Илгари хорижий давлатларга ишлаш учун боровчилар бир қатор муаммоларга дуч келарди. Ҳатто одам савдосининг қурбонига айланганлар ҳам бўлган. Бу уларнинг ўз ҳуқуқларини билмаслиги ёки алдовларга ишониб қолганининг натижаси. Марказни

ташкил этишда айна шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай фаолиятни қонуний ташкил этиш кўзда тутилган. Фуқаролар бемалол бепул маслаҳатлар олиши, хориждаги иш ўринлари билан танишиши мумкин. Ташкилий тарзда ишга юбориш, имтиёзлар, чегирмали чипталар, ҳаёти ва соғлиғини бепул сўғурталаш ҳам кафолатланади.

— **Бугунги кунда қайси давлатлар билан миграция борасида алоқалар ўрнатилган?**

— Россия, Қозоғистон, Япония, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари ва Польша давлатларида ишлаш истагидагилар кўпчиликни ташкил этади. Шундан келиб чиқиб ана шу давлатлар билан ҳамкорликда ишланмоқда. Меҳнат бозори, ишловчиларга қўйиладиган талаблар ва яратилган шароитлар ўрганиб борилади. Мақсад — фуқароларнинг ўринсиз муаммоларга дуч келишининг олдини олиш.

2020 йилда Оренбург вилояти ҳукумати билан 2 та битим, Россия Федерацияси савдо-саноат палатасининг қурилиш йўналишида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ҳамда касбий ривожлантириш ўқув маркази ўртасида меҳнат мигрантларини тайёрлаш, иш бевуви билан шартномалар имзолаш, номзодлар орасида танлов ўтказиш масалаларида уч томонлама келишув, "Мособл-профи" ва "ГК МК Ресурс" компаниялари билан ишга жойлаштириш бўйича келишувлар имзоланди. Иш бевуви-лардан 13 минг 585 нафар турли касб эгаларини ишга олиш бўйича талабно-ма олинди.

Ҳозирда Шаҳрихон туманида фаолият олиб бораётган касб-ҳунарга

ўқитиш марказида "ГК МК Ресурс" компанияси билан келишувга асосан логистика омборхоналарига мутахассислар тайёрланмоқда. Ушбу лойиҳа йилига 3 минг фуқарони касбга ўқитиб, ишга жойлаштириш имконига эга.

— **Хорижда ишловчиларнинг меҳнат дафтарчаси қандай юритилади? Ана шу даврда улар иш билан банд фуқаро саналадими?**

— Хорижда ишлаётган ёки ишлаб қайтган фуқаролар ихтиёрий тарзда ижтимоий солиқ тўловларини тўлаган тақдирда уларга бир йиллик иш стажы ёзилади. Бунда амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб, тўловнинг энг кам миқдори бир йилга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида белгиланган.

— **Аксарият ёшлар Корея республикасида ишлашга қизиқади. Бу давлатга меҳнат шартномаси асосида кетиш тартиби қандай?**

— Корея давлати томонидан корейс тилидан тест синовлари ўтказилиши ҳақида эълон берилади ва тестдан ўтишлари талаб этилади. Сўнг малака тести, яъни Скил тест ўтказилади. Муваффақиятли ўтганларнинг маълумотлари икки йил давомида ўша давлатда иш изловчилар базасида туради. Шу давр ичида иш бевуви танлаган номзодлар учун меҳнат шартномаси келади ва ана шу шартнома асосида ишга юборилади.

— **Хорижда қандай мутахассисликларга талаб юқори?**

— Асосан қурилиш соҳасида бўш иш ўринлари мавжуд.

— **Ишловчилар етарли малакага эга бўлмаса, қаерда тайёргарлик кўради?**

— Бу борада муаммога ўрин йўқ. Бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилинса, касбга тайёрлаш курсларига бепул юборилади. Андижон шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий ва педагогика коллежи негизида маҳаллий бюджетдан 7,5 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 800 ўринли марказ ташкил этилди. Бу жойда фуқаролар 20 дан ортиқ йўналишлар бўйича қисқа муддатли касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитилади.

— **Хорижда ишлаш истагидаги фуқароларда қандай камчиликлар кузатилмоқда?**

— Четга чикувчиларнинг аксарияти хорижий тилларни билмайди. Бу ҳолда ҳар қандай тажрибали соҳа ходими ҳам қийналади. Айримлари танлаган иши бўйича малакага эга эмас. Нафақат хорижда, ўзимизда ишлаш учун ҳам малака талаб қилинади.

Акбаржон НАЗАРОВ
суҳбатлашди.



Савол: Ишловчи ходим вафот этган тақдирда унинг олинмаган иш ҳақи кимга берилади?

Санжар Алимов, Наманган.

— **Ўринли савол.** Ҳаётда бундай ҳолат бўлиши табиий. МКнинг 162-моддасига мувофиқ ходим вафот этган кунга қадар олинмаган иш ҳақи унинг оила аъзоларига, шунингдек, меҳнатга қобилиятсизлиги туфайли вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган шахсларга берилиши мумкин.

Хўш, кимлар оила аъзоси саналади? Оила кодексининг 5-моддасига мувофиқ қуйидагилар оила аъзолари жумласига киритилади: эр-хотин, ота-она, болалари (фарзандликка олинганлар ва фарзандликка олганлар). Дарвоқе, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида никоҳни рўйхатдан ўтказилганлар эр-хотин ҳисобланади. Тегишли равишда, диний расм-русумлар-

га биноан тузилган никоҳдаги турмуш ўртоғи вафот этган ходимнинг иш ҳақини олишга ҳақли бўлмайди.

ВАФОТ ЭТГАН ХОДИМНИНГ ИШ ҲАҚИ КИМГА БЕРИЛАДИ?

Меҳнат кодексига иш ҳақини олишга ким (вафот этган ходимнинг турмуш ўртоғи ёки унинг ота-онаси) устувор ҳуқуққа эга бўлиши қайд этилмаган. Шу боис иш бевувига биринчи бўлиб мурожаат қилган ва



томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

✓ вафот этган ходимнинг иш ҳақини олиш учун ёзма шаклдаги ариза;

✓ паспорт ёки олувчининг шахсини

тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

✓ ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

✓ вафот этган ходим билан қариндошлигини ёки унинг қарамоғида эканлигини тасдиқловчи ҳужжат (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалар).

Агар турмуш ўртоғи биринчи бўлиб иш ҳақини беришларини сўраб мурожаат қилган ва зарур ҳужжатларни тақдим этган бўлса, хавотирланишга ҳожат йўқ. Унга вафот этган турмуш ўртоғининг иш ҳақи берилса, қонун бузилмайди. Иш ҳақини олишга бўлган ҳуқуқини тақдим этган бошқа қариндошларига иш ҳақи берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилади.

Музаффар МАМАДАЛИЕВ,
Жалақудуқ банк хизматлари
ҳуқуқшуноси.



СИЗ ҲАМ ТЕАТРГА БОРИНГ!

Учрашувда бадиий жиҳатдан саёз, миллий қадриятларимизга мутлақо тўғри келмайдиган фильмлар, уларда роль ижро этаётган актёр ва актрисаларнинг фаолияти хусусида ҳам фикр билдирилди. Ўзликни, миллий қадриятларни сақлаб қолиш, асрлар давомида сайқалланган урф-одат, анъаналарни давом эттириш орқалигина томошабинга манзур бўлувчи мукамал асар тақдим этилиши мумкинлиги тадбирнинг бош мавзусига айланди.

Банк ходимлари санъаткорлардан кўчирмакашиликдан ҳоли, бадиий савияси юқори, тарбиявий аҳамиятга эга клип, бадиий фильм, спектакллар кўтишларини айтдилар. Айни дамда Миллий театрда намоиш этилаётган саҳна асарлари хусусида батафсил маълумот берилди. Учрашув иштирокчиларини қувонтирган жиҳат шу бўлдики, Ўзбек миллий академик драма театри труппаси жорий йилнинг март ойла-

Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбек миллий академик драма театри директори Ёдгор Саъдиев “Hamkorbank” АТБ ходимларининг меҳмони бўлди. “Театр санъатининг миллий маънавиятимиздаги ўрни” мавзусида ташкил этилган онлайн учрашувда санъаткор театр санъати, ўтмиши, бугун ҳақида сўз юритар экан, айнан спектакль инсон руҳиятини юксалтиришда, уни комилликка етказишда муҳим эканлигига алоҳида тўхталди. Ҳар бир саҳна асари яхши ва ёмонни фарқлашга, чуқур мушоҳада юритишга чорлаши зарурлигини таъкидлади.

ридан бошлаб вилоятларга гастрол сафарини уюштиради. Бу чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган ҳамюртларимизга сеvimли ижодкорлари билан кўришиш, мулоқот қилиш имконини беради.

Санъаткорлар, таниқли инсонлар ҳаёти ва фаолияти барча учун қизиқ. Учрашув иштирокчилари Ёдгор Саъдиевнинг ҳаёти, ижоди билан боғлиқ барча саволларига жавоб олдилар. Ҳуш кайфият билан яқунланган маънавий учрашув банк ходимларининг театрға бўлган меҳрини янада



оширди. Барча бирдек театрға боришга қарор қилди.

Наргиза ЭШОНОВА

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ САМАРАСИ

Саида Холмирзаева 1966 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Ота-онаси маҳалланинг ҳурматли кишиларидан эди. Олти фарзандни тарбиялаб, эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказди. Ҳалол луқма билан катта бўлган Саида опа болалигидан тиришқоқ, изланувчан, бошлаган ишини охирига етказмасдан қўймасди. Мактабни тамомлагач, ҳаётда ўрнини топишга қийналмади.

Аввалига Андижон шаҳар ва кейинчалик вилоят ёшлар ташкилотларида фаолият юритди. Ҳайрат, шижоатли қиз “синчалак” каби тиниб-тинчимасди.

— Ана шу йиллар мен учун катта ҳаёт мактаби бўлди, — дея эслайди суҳбатдошим. — Ўқиб изландим, инсонлар билан мулоқот маданиятини, нотиклик мактабини ҳам шу ташкилотларда ўргандим. “Hamkorbank”даги фаолиятимни 1994 йилда бошқарув раиси ёрдამчилигидан бошладим. Сўнг девонхона мудир вазифасида ишладим.

У уч йил давомида ушбу вазифада, сўнгра ходимлар билан ишлаш бўлимида сидқидилдан фаолият юритди. Устозлари Ўктамжон Дўсматов, Назиржон Қодиров, Манзура Тўхтасиновалардан иш ўрганди, тобланди. Ҳаётнинг паст-баландликларига дуч келган пайтларда ирода ва сабрга суянди. Бугун ўзи ҳам устоз деган мақомга эга. Ёшларга меҳрибон, ҳамкасбларига ўрнатқ бўлиб ҳурмат қозонди. Талабчан, қаттиққўл таърифларига сазовор бўлса-да, қалби кенг, шогирдларига меҳрибон.

Саида опа ҳамкасбларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш

ва уларни рағбатлантиришда одиллик тамойилларига қаттиқ амал қилади. Табиатидаги тўғрисузлик, инсоннинг камчиликларини юзига айтиши ва ҳар бир ишни вақтида бажаришига ишора қилиб, устози Ўктам ака Дўсматов “Тўппонча, нишонни тўғри олади. Ўз ишининг устаси, ноҳақликларни ҳазм қилолмайди. Ҳаммага яхшилик қилишга интилади”, дегувчи эди.

Саидахон Холмирзаева ортга назар ташлар экан хулосалари қуйидагича: Ҳаёт гўё занжир — оила, иш. Ҳеч бирини айро тасаввур қилолмайман. Ишимни севганим боис рўзгор юмушларини уйқудан кечиб бажарардим. Инсон ишда муваффақиятга эришиши учун оила ва ишдаги мувоzanатни ушлай олиши, ишни деб оиладаги ваифаларини унутиб қўймаслиги керак, деб ҳисоблайман.

Бугун оз бўлса-да шу жамоа аъзоларининг ҳурматиға, мени устоз деб билган ёшларнинг эътирофига сазовор бўлган бўлсам, ҳаммаси меҳнат туфайли деб биламан. Зеро, ҳалол меҳнат ҳамиша ўз самарасини беришиға ишонаман.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА

БИЗНИНГ МИЖОЗЛАР

— Ёшим 33 да. Икки нафар фарзандим бор. Шукрки, шу бизнесға қўл уриб ёмон бўлмадим, — дея сўз бошлади Денов шаҳридаги “AGRA FOOD BAKERLY” оилавий корхонаси раҳбари Санжарбек Ибрагимов. — Тошкентдаги қолипли нонларни кўриб, “Нимаға бизда нонлар мана шунақа сифат билан ишлаб чиқарилмайди, булар қандай технологиядан фойдаланаркин?”, деб ўйлардим. Шу тариқа мени нон цехи ташкил қилиш фикри қизиқтириб қўйди. Бу соҳани яхшилаб ўргандим, кейин бизнес режа туздим. Қизиқишларим аввал таваккалчилик, кейин эса қатъий мақсадға айланди.

2019 йилда яшаб турган хонадонимизда оилавий корхона ташкил этдик. “Hamkorbank”нинг Денов филиалидан 35 минг 185 евро миқдорида кредит олиб, бу маблағга Туркиядан қолипли нон (буханка) ишлаб чиқарадиган линия харид қилдик.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ОРТДА ҚОЛДИ

Албатта, ҳар қандай бизнес-режа осонликча амалға ошмайди. Нияти жиддий, мақсади қатъий инсон ҳар қандай муаммони енгиб ўтади.

Бизнинг қийинчиликларимиз ҳам ортда қолиб, фаолиятимиз изға тушди. Ҳозирда кунига 30 қоп ундан 5 минг дона маҳсулот тайёрлашға муваффақ бўляпмиз. Асосий маҳсулот туримиз қолипли нон бўлиб, унга қўшимча равишда батон ва қора нон ҳам пишириб сотаяпмиз.

Корхонамизда 10 нафар ишчи

меҳнат қилади. Уларға етарлича шароит яратиб берганмиз. Кредитимиз ҳам ўз вақтида тўланапти. Кўз тегмасин, даромадимиз яхши. Айниқса, ҳозир қиш мавсуми бўлгани учун, нонға бўлган эҳтиёж юқори. Ёзда 70 фоизли қувват билан ишласак, айни пайтда тўла қувват билан маҳсулот чиқаряпмиз.

НЕГА ҚОЛИПЛИ НОН АРЗОН БЎЛАДИ?

Қолипли нонларимизнинг нархи 1 минг 500 сўм. Шубҳасиз, бошқа турдаги нонлардан ҳам арзон, ҳам сифатли, ҳам тўйимли. “Нега буханка нонларнинг нархи арзон бўлади?” деган



саволни кўпчилик беради.

Ёпган нон 100 фоиз қўл меҳнати билан бажарилгани учун кўп вақт ичида кам маҳсулот тайёр бўлади. Шу

Биз фойдаланаётган линия эса нонни ичигача қизартириб, маромида пиширади. Табиийки, тобида пишган ноннинг сифати бир неча кунгача ўзгармай туради. Ранги ва кўриниши ҳам талабға жавоб беради. Шу боис маҳсулотларимизнинг сифати ва мазаси билан бемалол мақтанамиз.

РОНАЛДУГА ҲАВАСМАНД ТАДБИРКОР

боис улар нархни баландроқ қўймаса, фойда ололмайди. Бизда эса ҳамма жараёнларни техника бажаргани учун кам вақтда кўп маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Бу маҳсулот нархининг арзонроқ бўлишини таъминлайди.

ДЕНОВДАГИ ЭНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

Денов Сурхондарё вилоятининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланган туманларидан бири. Аммо шундай бўлса-да, нон цехларининг деярли барчаси эски технологиялар билан иш юритади. Шунинг учун улар чиқараётган маҳсулотларнинг сифатини унчалик яхши деб бўлмайди.

ТАДБИРКОРЛИКДА ЧЎҚКИГА ЧИҚМОҚЧИМАН

Бир ишни бошлаб, йўлга қўйиб олгандан сўнг уни кенгайтиришни хоҳламайдиган тадбиркор бўлмас керак. Янги қурилиш ишларини бошладик. Яна қўшимча линия олиб келиб, маҳсулот турини кўпайтириш ҳаракатидамиз.

Футбол юлдузи Криштиану Роналдуга ҳавас қиламан. Унинг дунёда биринчи рақамли спортчи эканлигига қойил қолиш керак. Мен ҳам тадбиркорлик соҳасида катта ютуқларға эришишни ният қилганман. Ҳали ёшман. Орзу-мақсадларим, албатта, амалға ошади, деган умиддаман.

Нигора ТЎХТАМАТОВА
ёзиб олди.

Бугунги Жиззах шаҳри замонавий кўринишга эга, кўркам ва ҳар соҳада илғор. Қаҳрамонимиз Насимжон Ўктамов ҳар куни мана шу ажойиб манзарадан ҳузурланиб ишга йўл олади. Кеч тушиши билан қадрдон ҳовлиси, ота-онаси, фарзандлари қошига шошади. У "Hamkorbank"нинг Жиззах филиалида олти йилдан бери ишлайди. Яъни филиалнинг ташкил топганидан шу кунгача бўлган ҳар бир жараёнига гувоҳ. Жамоанинг ютуғларида унинг ҳам муҳим ҳиссаси бор. Тиришқоқлиги, жонкуярлиги билан жамоада ҳурмат топган. Келинг, қаҳрамонимиз билан яқиндан танишиш учун унинг ҳикоясига қулоқ тутайлик.

"ҲАЁТИМДАГИ ЭНГ ЯХШИ ВОҚЕА"

— 2011 йилда Тошкент Молия институтини тамомлаб, она шаҳримга қайтиб, Агробанкда иш бошладим. 2014 йили "Hamkorbank" Жиззахда ўз филиалини ташкил қилгач, мана шу муассаса ходимига айландим. Бу ҳаётимдаги энг яхши воқеалардан бири бўлди, назаримда.


"Hamkorbank"да ўзгача жамоавий муҳитни кўрдим. Энг аввало, гуруҳбозликдан, ҳасад, иғводдан йироқ, бирдам, аҳил жамоа, бошқа банклардагидан анчагина юқори бўлган ойлик маош ва кўп сонли кредитлар, молиявий барқарорлик. Бундай банк муассасида ҳар қандай ходим завқланиб ишлаши аниқ. Мана энди шу жамоанинг бир қисмиман. Мен иш бошлаган янги филиал билан бугунгисининг кўрсаткичлари ўртасида катта тафовут бор. Олти йилдан буён фойда режасини 100 фоиз бажариб келяпмиз. Шу йил даражамиз бир поғонага кўтарилиб, иккинчи гуруҳдаги филиаллар қаторига қўшилди. Бу оддий эшитилгани билан катта натижа. Навбатдаги марраимиз — биринчи гуруҳга чиқиш.

2020 йилда пандемияга қарамай муаммоли кредитларимиз сони камайди. Бу жамоанинг жипслашиб, фаол ҳаракат қилишининг самараси бўлди.

Мен бек офис бўлимида кредитларнинг мониторинги билан шуғулланаман. Вазифам — кредитлар билан боғлиқ муаммолар келиб чиқишининг олдини олиш. Бунинг учун олдиндан пухта ва чуқур мониторинг ўтказиш талаб этилади.

Албатта, ишимизнинг ўзига яраша масъулияти бор. Рақамлар таҳлили, миқдорнинг ҳолатини ўрганиш, вазиятни баҳолаш ва ҳулоса бериш учун доимий равишда ишлаш зарур.

Зиммамдаги вазифамни вақтида бажариш ҳаракатида юрарман, режаларимни ҳам ортиғи билан уддалашим керак. Ўз ишингизни кўнгилдагидек бажармадингизми, кўрсаткичлар орқага кетаверади. Бу ҳам руҳий, ҳам моддий рағбатдан сизни мусуво қилади. Ахир ҳар ойда қилган меҳнати учун мукофот олишни ким хоҳламайди, дейсиз.



Ҳисоб-китоблар ҳаммани чарчатади. Жумладан, мени ҳам. Чарчоқ қачон сезилади, биласизми, меҳнат таътили яқинлаша бошлаганда (кулади).

Таътилга чиқишим билан қиладиган биринчи ишим — бирор дам олиш масканида оилавий ҳордиқ чиқариш бўлади. Кейин эса соғлигимни тиклаш билан шуғулланаман. Чет давлатларида чиқмаганман. Насиб этса, биринчи саёҳатимни Бирлашган Араб Амирликлари ёки Саудия Арабистонига уюштиришни ният қилганман. Ўзимизнинг Жиззах ҳам саёҳатбоплиги жиҳатидан анча-мунча машхур шаҳарлардан қолишмайди. Меҳмон бўлиб келсангиз, довуғи дoston Жиззах сомсалари-ю, Зомин тоғлари, бепоён Айдаркўллари, шубҳасиз, бир умр ёдингизда қолади.

Рақамлардан чалғиб, мияга дам беришнинг яна бир усули — китоб ўқиш. Ҳа, муталаа — менинг хоб-

бим. Яқинда таниқли адибимиз Ўткир Ҳошимовнинг "Тушда кечган умрлар" китобини иккинчи марта ўқиб чиқдим. Асар қаҳрамонининг кечинмалари мени жуда таъсирлантирди.

Ишимни, жамоамни жуда яхши кўраман. Агар менга бошқа филиал ёки жамоага бориб ишлаш таклифини айтишса, тўғриси, рад этаман. Шу филиалда униб-ўсяпман, демаски, келажак режаларим ҳам шу ер билан боғлиқ. Қолаверса, оилада ёлғиз ўғил фарзандман, ота-онамнинг ёнида бўлиб, уларнинг ҳақларини адо этишим керак.

"Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал" деганларидек, йўлингиз тушса, филиалимизга келинг ва жамоамиз билан яқиндан танишинг. Ана шунда Жиззахда "Hamkorbank" қандай ишлаётганига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Нигора МИРОЛИМ ҚИЗИ

ЭЪТИРОФ

Тошкент молия институтини эндигина тамомлагач, илк фаолиятимни 2006 йилда "Hamkorbank" АТБнинг Олмалиқ филиалида оддий ҳисобчиликдан бошладим. Институтда устозларимдан олган билимларим иш давомида асқотди. Ўқидим, изландим ва бугун ҳақиқий банк мутахассиси бўлдим. Ҳозирда корпоратив хизматлар бўлими транзакцион етакчи мутахассиси вазифасида ишляпман.

МЕҲНАТ ЗАМИРИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР



Касбимни севаман. Аёл кишининг бахти унинг оиласида эканлиги ҳам ёдимда. Ютуқларимда турмуш ўртоғимнинг кўмаги муҳим бўлди. Ҳаётимнинг фаровонлиги ва бугун банк соҳасида эришган муваффақиятларимнинг замирида ўрганиш ва тинимсиз меҳнат ётади. Зеро, 2020 йил ёқимсиз

хотиралар билан якунланган бўлсада, ютуқларни ҳам берди. "Hamkorbank" АТБ томонидан "Энг яхши ишлаган банк ходими" танлови ташкил қилинди. Танловда "Йилнинг энг яхши ҳисоб-рақам менежери" номинацияси ғолиби бўлдим. Ситқидилдан қилинган меҳнат ва матонат ушбу ютуқни қўлга киритишимга замин бўлди. Фаолиятим давомида Бош банк ва филиалларда кўплаб яхши инсонлар билан танишдим, бирга ишладик, устозлик қилишди. Бу нафақат мен, балки, барча ҳамкасбларим учун шарафли. Банкимизнинг келажаги порлоқ, ҳамиша халқимиз хизматида бўлайлик.

Феруза ИСМАТОВА.

Тезкор даврга ҳамоҳанг бўлиш, оз фурсатда кўплаб амалиётларни бажара олиш учун пластик карта зарур эканлигини бугун ҳамма бирдек тушуниб етди. Харид, савдо-сотиқ, қўйингки, маблағ билан боғлиқ амалиётларни бажариш учун мўъжазгина картангиз ёнингизда бўлса бўлгани. Айнан карта вақтнинг тежалишига, ортиқча оврагарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

"Hamkorbank"нинг Visa картаси билан эса масофа ҳам яқин. Ушбу картага хориждаги яқинларингиз томонидан "Золотая корона" тизими ёки "Сбербанк онлайн" иловаси ёрдамида юборилган маблағларни қабул қилиб олишингиз мумкин. Қабул қилиб олинган маблағларни эса банк кассаларидан бепул, яъни комиссиясиз тўловларсиз олиш имконияти бор. Агар сизда Hamkorbank Visa картаси бўлиб, сўм карта

эса бошқа банкники бўлса, харидни Hamkor Mobil иловаси ёрдамида Uzcard ва Nuto карталаридан онлайн конверсияда фойдаланиш мумкин. Хорижий валютани осон йўл билан харид қилинг ҳамда Hamkorbank Visa карталари ёрдамида харидларни амалга оширинг ёки банк филиалларида бепул нақдлаштиринг. Ўзбекистон ҳудудида ҳам ишлата оласиз. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида Nuto терминаллари орқали Visa карталаридан тўловларни амалга оширишингиз мумкин. Ҳар томонлама қулай ва манфаатли бўлган Hamkorbank Visa картангиз йўқми? Унда шошилинг. Visa картани Hamkorbank.uz сайти орқали

БАНК ХИЗМАТЛАРИ



VISA

БИЛАН ҚУЛАЙЛИК

онлайн тарзда расмийлаштиринг, картани эса сиз кўрсатган манзилга бепул етказиб берамиз. Агар сиз Visa карта ёрдамида 20 АҚШ долларидан кам бўлмаган харидни амалга оширсангиз, "Hamkorbank" ва "Visa" биргаликда автомобиль улашади! акциясининг иштирокчисига айланасиз. Энг сўнгги русумдаги телефонлар ва супер ютуқ "Нексия-3" автомобили айнан сизники бўлиши учун ҳозирданоқ ҳаракат қилинг!

Батафсил маълумотни 0 800 1-200-200 телефон рақамига қўнғироқни амалга ошириб билиб олишингиз мумкин.

Ҳа, айтгандай, банкимиз янгиликларидан доимий равишда хабардор бўлишни истасангиз, банkning ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига аъзо бўлинг:

t.me/Hamkorbankuz

/HamkorBank.uz/

/hamkorbank_jscb

"Hamkorbank" - биргаликда юксалиш сари!

"Hamkorbank" АТБ
Маркетинг бошқармаси

Жефферсон Онгути
Андижон шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимига турмуш ўртоғи Ширин Сатбурхонова **Андижон шаҳридаги туғруқхонада қиз фарзанд кўрганлигини маълум қилиб, уни туғилганлигини қайд этишда амалий ёрдам сўраб, муурожаат қилди.**



КЕНИЯЛИК ФАРҲОД

андижонлик Ширин Сатбурхонова эса Фарғона давлат университетининг чет тиллари факультетида таҳсил олади.

— Ширин билан бундан бир ярим йилча аввал дўстларим орқали университетдаги қаҳвахонада танишганман, — дейди Жефферсон Онгути. — Гўзал қиз биринчи учрашувдаёқ ёққани учун дўстлашиш таклифини берганман. У менга юртингизнинг тарихи ҳақида кўп сўзлаб берар, чиройлик жойларга олиб чиқарди.

Тақдир тақозоси билан дўстлигимиз чин муҳаббатга айланди. Қарама-қаршиликларга қарамай иккимиз оила қурдик. Шу сабабли аксарият дўстларим қулишиб, мени кениялик Фарҳод дейишадди. Мен бундан хафа эмасман, аксинча хурсандман. 19 январь кuni муҳаббатимиз меваси дунёга келди. Унинг исмини Никола деб қўйдик. Ким нима деса десин, биз бахтлимиз.

Умиджон МАМАРАСУЛОВ.

Болалигимда қишлоқ кўчалари бўйлаб газета тарқатаётган “почтальон”га ҳурматим бошқача бўлган. Мактабда устозларим, оилада ота-онамда газета-журналларга муносабат ўзгача эди. Кўлида газета, журнал, китоб тутган яқинларимни кўриб, балки, севгандирман ўқишни.



МЕН НЕГА ГАЗЕТА ЎҚИЙМАН?

Чунки завқ оламан, маънавиятимни бойитаман, маърифат кишисига айланаман.

XXI асрни ахборот технологиялари асри дейишмоқда. Тўғри, давр, замон ва ҳаёт — барибир, ўз сўзини айтар экан-да. Бугун барча ахборот ва маълумотлар радио ҳамда телевидение, интернет, ижтимоий тармоқлар орқали тез тарқалмоқда. Аммо ҳаммасини ҳам ишончли ва асосли деб бўлмайди. Зардўштиликнинг муқаддас китоби “Авесто” ёки Ислон таълимотига асосланган муқаддас Қуръони Карим ҳам китоб ҳолида кишилар қалбидан жой олган. Улардаги маълумотлар тақдорланмас, ўқиган сарингиз ҳузурланасиз, қалбингиз ажиб нурга чўмади. Ушбу китобларнинг интернетдаги вариантини ўқимоқчи бўлдим, ўхшамади.

Бугун, балки, газеталар бироз қадрсизланаётгандир, бироқ ҳамон уларни қўлидан қўймай ўқиётганлар оз эмас. Республика миқёсида чоп этилаётган нашрларни кузатаман. Босма нашр-

лар ўлади, газеталарга эҳтиёж йўқ, дейдиганлар адашадилар. Бир вақтлар китоб ўқишни ташлаб юборган эдик. Аммо бугун китобга эҳтиёж сезилди-ку. “Дегувчи”ларнинг фикрлари ўз ифодасини топмади. Айни дамда севиб мутлоа қилаётганлар кўп. Айниқса, бу борада ёшларимиз жуда илғор. “Башоратчи”ларнинг иддаоларига қарама-қарши ўлароқ газеталар ўз сўзи ва кучига эга. Ижтимоий тармоқ ёки телевизорга тикилиб кўзимиз толиши табиий. Баъзан асабимиз ҳам бузилади...

Яқинда масъул вазифада ишлайдиган танишим билан суҳбатлашиб қолдим. “Ҳали ҳам газетада ишляпсизми?” деган саволи, очиғи, ғашимни келтирди. Юз ифодам ўзгарди чамаси, тезгина изоҳга ўтди: “Янги йил арафасида яқин инсонимни табрикламоқчи бўлдим. Қисқа сатрларни ҳам тартиб билан қозоғга туширишга қийналдим. Сўз тополмай “оёғини осмондан” қилиб қўйдим. Сизлар бутун бошли газетага мақола ёзасизлар, одамларнинг муаммоларини кўнгил кечинмаларини олиб чиқасизлар, изоҳлайсизлар. Осонмас-а?”. Танишимнинг шунчаки сўзларидан қалбимдаги оғриқ тарқади, фахрни туйдим. Меҳнатларимизни биладиганлар бор экан, деган хулосага келдим.

Бугун газетанинг аҳамияти йўқолгани йўқ. Интернетни тўлови бўлгандагина титкилаймиз, маълумотлар ва янгиликларни кузатамиз, пули тугагач алоқа узилади. Аммо газета жавонимизда туради. Уни истаган пайтимизда олиб, қайта ўқишимиз мумкин.

Ўқиш, ўқиш ҳам маданият. Мутлоа маданиятига эга бўлмаган кишининг, айниқса, бугунги раҳбарнинг салоҳияти ҳам шунга яраша бўлади.

Нилуфар ИБРОҲИМЖОН ҚИЗИ.

МАСЛАҲАТ

— иссиқ ичимликлар, жумладан, қаҳва ичиш;

— ширинликлар истеъмол қилиш.

Иситмада тавсия этилади:

— кўпроқ суюқлик ичиш, фақат ичимликлар иссиқ бўлмаслиги керак — хона ҳароратидегиси маъқул;

— пешона, бўйин, биллак, чов ва қўлтиқ остига совуқ компресслар қўйиш;

— танани илиқ ёки ўртача ҳароратли сув билан артиш, аввал юз, кейин пешона, қўл ва оёқларни галма-гал;

— қатъий ётоқ тартибига амал қилиш лозим.

ИСИТМА ЧИҚҚАНДА...



— иситгичда исиниш ҳамда аёл ёки иссиқ кийимга ўраниб олиш;

— иссиқ ванна ва душда чўмилиш;

— спиртли ичимликлар истеъмол қилиш;

Мен катта оилада ўсганман. Ота-онамнинг кўп вақти ишда ўтганлиги боис биз — фарзандларнинг тарбияси билан энам шуғулланарди. Одоб-ахлоқ, рўзғор юмушларини ўргатиш ҳам унинг зиммасида эди. Хато қилишдан ва онамиз танбеҳидан жуда қўрқардик. Шунинг учун опаларим биз — кичкинчаларнинг унча-мунча хатоларини тузатиб кетарди. Гарчи шўх бўлсакда, ишдан чарчаб келган ота-онамизни шикоят ва муаммолар билан кутиб олмаганмиз.

Кўнгил дафтарида

Қиз бола одобини биринчи ўринга қўйган энам халқ эртаклари, мақол ва матал айтишга чечан, дунёқараши кенг аёл сифатида бир умр хаёлимда муҳрланиб қолган. Ёшлари саксонни қоралаб қолган бўлсаларда, нигоҳлари ўткир, зийрак эди. Саккиз фарзанд худди қўриқчилари каби галма-галдан пинжиларига кириб ухлардик. Эртакларини эшитиш мароқли. Ҳикматли сўзлари, сўзлаган ривоят, ибратли воқеаларни жон қўлоғимиз билан тинглардик.

ЭНГ ЁМОН ГУНОҲ

Кунларнинг бирида энам марҳумни қабрда қурт-қумурсқалар ҳеч бир жойини қолдирмай еб битиришини, бироқ юзини емаслигини айтиб қолди. Шунда ҳайрон бўлиб сўрадим: “Нега емайди? Ахир энг кўп ювиладиган, тоза жой юз эмасми?”

Болаларча сўровимга шундай жавоб қилгандилар: “Инсонлар бор, билиб туриб хато ва ёмонликларни қилишади. Бир даврада, бир дастурхонда ўтириб, кўнгилларга озор етказишади. Ғийбатга ўрганишгани учун ҳаммасига юзи чидайди. Ҳасад уларнинг кўзини кўр қилган. Бунинг энг ёмон гуноҳлигини билишса-да, тийилишмайди. Бахтсиз киши бахтлиларни кўролмайди. Балки, шундан-дир ҳатто қурт-қумурсқаларнинг ҳам ундан ҳазар қилиши...”

Энамнинг айтганларини улғайиб, ҳаётнинг паст-баландини кўргач, тушуниб етдим. Карлос Сафоннинг “Ўз шахсий ҳаётига эга бўлмаган инсонлар доимо бошқа бировлар ҳаётига аралашаверади”, деган сўзлари ибратли ҳақиқат эканлигини англадим.

Ногоҳ қурт-қумурсқаларга кўзим тушиб қолса, алланечук туйғулар оғушида қоламан. Мўъжизага дуч келгандай уларга ҳайратланиб тикиламан. Энамнинг айтганлари бот-бот ёдимга тушаверади...

НИЛУФАР.

ШАЙХ МАҒОМИСИЙ АЙТАДИЛАР:

— Сув ичаётган қушча олдидан ўтиб қолсанг, Аллоҳнинг розилиги учун уни ҳурқитма. Эҳтимол, жон бўғизга келиб қоладиган кунда Аллоҳ сенга омонлик берар?

— Йўлда кетаётганингда олдиндан мушук чиқиб қолса, Аллоҳнинг розилиги учун унга урилиб кетишдан ўзингни эҳтиёт қил. Эҳтимол, Аллоҳ сени ёмон ўлимдан сақлар?

— Ортиб қолган овқатни улоқтирмоқчи бўлиб турган бўлсанг,

Аллоҳ розилиги учун уни ҳайвонлар, паррандаларга бер. Эҳтимол, Аллоҳ сенга ўзинг ўйламаган томондан ризқ берар?

— Ушбу сўзларни бошқаларга ҳам етказмоқчи бўлсанг, бу билан яхшиликни ният қил. Шояд Аллоҳ шу сабабли сени дунё ва охирадаги муаммолардан халос қилса.

— Унутма! Ҳар қанча кичик бўлмасин, яхшилик қилавер, ахир сени қайси яхшилик жаннатга киритишини билмайсан-ку!

Болалигимизда бобом раҳматли “сувга туфлама”, “дарахт новдасини синдирма”, “нон ушоғини ерга ташлама”, “қуш инини бузма, ёмон бўлади” — деб кўп уқтирардилар. Бу билан бизларда она табиатга меҳр уйғотар эди. Ҳовлимиз ёнидан оқиб ўтувчи анҳорда оқизоқ нонлар еб катта бўлганмиз. Сойда чўмилиб, юз-қўлларимиз қизил рангга бўялиб, ошалаб-ошалаб тут мевасини еган, кенг яйловларда зангори осмонни томоша қилиб ётган пайтларимиз энг гўзал дамлар эди.

Ҳа, болалик ҳақида ўйласам руҳим енгил тортади. Аммо бугун қишлоққа борсам, баъзида кўнглим зада бўлиб, қалбим озор чекиб қайтади. Бобом ҳақида кўп ўйлайман. Яшиллик, поклик, осудалик чекингандай қишлоғимда? Боболаримиз ўзлари билан олиб кетдимикан? Ёки бугун ҳамқишлоқларимнинг анҳорни кўлмакка, сойни эса ахлатхонага айлантириб қўйганидан уларнинг руҳи безовтамикан? Эсимда қишлоқ гузарида кимнинг уйдан қачон ва қай пайтда чиқинди анҳорга ташлангани ҳақида муҳокама бўлар ва айбдор жазоланар эди. Ўша пайт инсонлар исрофдан, уволдан, гуноҳдан кўрқардилар. Анҳор сувида ичимлик суви сифатида фойдаланардик. Бугун-чи? Бугун асло бундай эмас. Нега шундай ҳолга келиб қолдик? Лоқайдлик, эътиборсизлик... Қачонгача мудраймиз?

Кўча супураётган келин оби ҳаётни қадрини билади, қўлидаги ахлат солинган халтани сувга отган болақай, уялмай ҳовлидан чиққан чиқиндини кўчага ташлаётганлар мулоҳаза қилишни биладилар. Оналар болаларига доим “сувга яқин борма” дея уқтиришади. Билишадик, анҳорда тоза, зилол сув эмас, турли чиқиндилар: яроқсиз идишлар, хазонлар, ҳатто баъзи-баъзида ўлган ҳайвонлар ҳам оқиб ўтади. Шу сабаб волидаларимиз сувнинг тозаллигига ишонмайдилар ва бирор касаллик юқтириб олмасин, дея дилбандларини сақлайдилар.

Бу қишлоғимиздаги оддий манзара. Аммо бугун биз фахрланади-

ПОКЛИК ҚАЛБДАН БОШЛАНАДИ



“...Чорсу бозори бекатига 50 ёшлар атрофидаги аёл чамаси 20 ёшли ўғли билан келди. 4-5 халтага солинган бозорликларини катта бир сумкага жойлади-да ортган иккита қора елим халтани шундоққина бекат ёнига-ерга ташлади...”

ган шаҳар кўчаларида ҳам чиройли бинолар ёнида ахлат чиқиндилари, гўзал гулзорлар ёнида ёқимсиз кўлмаклар, тоза йўлакчаларда папирос қолдиқлари, писта пўчоқларини кўришга ўрганиб қоляпмиз. Ачинарлиси, бу оддий ҳолга айланиб бормоқда.

Биз катталар ёшларни айблашга, улардан камчилик қидиришга ўрганиб қолганмиз. Ҳадеб улар билан зиддиятга боравермай, ўзимиз ҳақимизда ҳам ўйлаб кўрсак бўларди. Чунки ёшларни тарбияга, тартибга чақирмоқчи бўлсак, аввало, ўзимиз тарбияли, тартибли бўлмоғимиз керак.

Ушбу мақола сабаб пойтахт кўчалари бўйлаб юртдошларимизни кузатишга тўғри келди. Чорсу бозори бекатига 50 ёшлар атрофидаги аёл чамаси

20 ёшли ўғли билан келди. 4-5 халтага солинган бозорликларини катта бир сумкага жойлади-да, ортган иккита қора елим халтани шундоққина бекат ёнига — ерга ташлади. Ваҳоланки, ўн қадам нарида ахлат челаги турибди.

Авиасозлар бозори йўли: 2-3 жойда чиқинди ташлайдиган маҳсус идишларга кўзимиз тушди. Улар деярли бўм-бўш. Атрофда сочилган

ахлат уюми. Одамлар шунчалар лоқайдки, тонгда ўзлари ахлатни босиб ўтиб ишга, ўқишга борадилар. Наҳотки, улар кунни шу ёқимсиз ҳолатни кўриш билан бошласалар? Мисолларни истаганча келтириш мумкин. Бу ҳолатларни сиз ҳам кўп бора кузатгансиз. Аммо “сен менга тегма, мен сенга тегмай” қабилида яшаш осонроқ туюлади-а?.

Атроф-муҳит озодалиги кўнгли хотиржамлигига асос бўлишини биламиз-у, ҳамон “бу менинг вазифамга кирмайдиган фикрдамиз. Узоққа бормайлик, ҳатто ишхонамизда ҳам фаррош бор-ку, дея истаганча саранжомликка этиборсизлик қиламиз. Бир кунгина ўша фаррош аёлни ўрнига ўзимизни қўйиб кўрганимизда эди унга ҳам осон тутмаган бўлардик, тозаликни ўзимиздан бошлармидик?

Ҳа айтгандай, фаррошлар меҳнати ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Масалан, мактабда фарзандларимиз синф хонасини кун давомида шундай тартибсиз ҳолга келтирадики, уларнинг

дастидан деворлардаги суратлар, пардалар, шкафдаги китоблар шундай бетартиб бўладики, агар тили бўлса “дод” деб юборадигандай. Эртасига синфга кирганимизда эса саранжом-саришта хонани кўрамиз-у, яна илгаригидай “одатларимиз”ни давом эттираверамиз. Ҳатто бир лаҳза бўлса, ухлаб ётганимизда келиб хоналарни озода қилиб кетган инсонлар бизни қизиқтирмайди.

Ҳали тонг ёришмай, осмон пештоқидаги юлдузлар яширинмай туриб шаҳар кўчаларини оҳиста супураётган инсонларни ҳеч кузатганмисиз? Улар шаҳарда ҳаёт бошланмай туриб ширин уйқуларидан кечиб, сизу бизнинг кунимизни яхши кайфиятда бошлашимизга ўз ҳиссаларини қўшиб, атроф-муҳит озодалиги учун меҳнат қиладилар.

Мамлакатимизда миллий байрамлар билан бирга касб байрамлари ҳам ўзига хос тарзда нишонланади. Тиббиёт ходимлари куни, Қурувчилар куни, Ўқитувчилар... Фақатгина бир касб эгалари бундан мустасно, яъни фаррошлар. Тасаввур қилинг, ўша байрамлар қаторига фаррошлар кунини ҳам қўшсак, бир йилда бир мартагина ул арнинг меҳнати қадрини улуғласак! Бир кунгина онамиз, синглимиз, қизимиз қатори оддийгина бир аёлга эҳтиром кўрсатсак, бунинг нимаси ёмон? Ҳар йили Наврўз байрами арафасида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади. Ана шу ҳашар сабаб қанчалар атроф-муҳит озодалигига, тозалikka эришилади. Бордию, фаррошлар кунини ҳам шу тарзда ташкил этсак, назаримда хайрли тадбир амалга оширилган бўларди?

Озодаликка эътиборли бўлиш, табиат ва ҳайвонот дунёсини асраш ҳар бир юртдошимизнинг бурчидир. Қолаверса, поклик қалбдан бошланади, дея бежиз айтилмайди. Муқаддас ҳадису-шарифларда ҳам Аллоҳ озодаликни севиши ҳақида бир неча бор айтиб ўтилган. Демак, қалб поклиги руҳни тозалайди. Руҳияти тоза инсонлар эса жамиятнинг маънавий устунларидир.

Сиз бу ҳақда нима дейсиз, азиз юртдошим!?

ФЕРУЗА ОРИПОВА,
Тошкент.

Кўплаб эркакларни ўз асирига айлантирган нос инсон саломатлигига қанчалик зарар етказишини биламизми? У тўқ яшил ёки сарғиш яшил рангли мураккаб таркибли моддалар аралашмасидан иборат. Асосан бу маҳсулот уй шароитида санитария қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда турли усулларда тайёрланади. Уни тайёрлаш усулини кўрган, таркибида қандай моддалар борлигини билган киши нос чекишдан воз кечиши турган гап. Таркибида тамаки япроғи, қул (ғўзапоя ёки бошқа ўтинлар қули), ўсимлик мойи (пахта ёки кунжут мойи), сўндирилган оҳақ ҳамда ширин таъм берувчи қўшимчалар бўлади.

Шу ўринда савол туғилади: инсон организмга салбий таъсири қандай? Нос психоактив моддалар қаторига киради ва марказий асаб тизимига таъсир кўрсатиб, руҳан ва жисмонан кучли қарамликни юзага келтиради. Оғиз бўшлиғи, ҳалқум, қизилўнгач ва ошқозонга тўғридан-тўғри таъсир этиб, шиллиқ қаватларни доимий шикастлайди ва шунинг таъсири натижасида шиллиқ қаватларда саратон касаллигини ривожланишига олиб келади.

Нос қонга сўрилиб, бош мия, жигар, буйрак, ошқозонности беши ва бошқа

НОС САРАТОННИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ...МИ?

органлар фаолиятига салбий таъсир этиб, аъзоларнинг касалланишига ҳам сабаб бўлади. Шунингдек, оғиз бўшлиғида сўлак безлари фаолиятининг бузилишини юзага келтиради.

Бундан ташқари, носвой истеъмол қиладиган эркакларда бепуштлиқ, оғиз ва милкларнинг яллиғланиши, милклар атрофияси, кариес каби касалликлар кузатилади.

Ўсмирларнинг руҳий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, хотира ёмонлашиши, жиззакилик ҳамда дарсларни ўзлаштириш кескин пасайишига олиб келади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда катта ёшдаги кашандаларнинг сони 1,1 миллиард бўлиб, камда 367 миллион киши тутунсиз тамаки истеъмол қилади.



“...Эркакларда бепуштлиқ, оғиз ва милкларнинг яллиғланиши, милклар атрофияси, кариес каби касалликлар кузатилади...”

Мамлакатимизда эркакларнинг қарийб ҳар тўртдан бири носвой истеъмол қилиши кузатилади. Айниқса, ёшлар орасида носвойга ошно бўлганлар кўпчиликни ташкил этади.

Энг ачинарлиси, мунтазам тутунсиз тамаки истеъмол қилувчи минглаб инсонлар бевақт ўлим хавфига дучор бўлмоқда.

Инсон саломатлигига кат-

та зарар келтираётгани учун тегишли идоралар томонидан мамлакатимизда тутунсиз тамаки маҳсулотларини, жумладан, нос айланмасини тақиқловчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Хулоса қилиб айтганда, аввало, бундай маҳсулотларнинг инсон саломатлиги учун хавfli эканини аҳолининг ўзи теран англаб етиши зарур.

Зулхумор МАЪРУПОВА,
шифокор.



Рустамжон ЭШОНОВ олган сурат-лавҳа.

ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Рассом битта расмга иккала тасвирни шундай жойлаганки, томошабин уларнинг фақат биттасини кўради. Кимдир аёлни, кимдир қайнонани.

АЖОЙИБ РАСМ "Хотиним ва қайнонам" деб номланади

Америкалик олимлар (британиялик олимлар ҳам) мунтазамлиликни аниқлаш мақсадида одамлар орасида сўров ўтказди. Ҳатто уни аниқлашди ҳам. Маълум бўлишича, 30 ёшгача бўлганлар қизни кўради. 30 ёшдан ошганлар эса унинг онасини.

Расмга диққат билан

қаранг, агар сиз бурни катта ва ёқимсиз юзли кампирни кўрсангиз, демак, аллақачон 30 ёшни уриб қўйгансиз. Ўзингизни турли хаёллар билан чалғитишга уринманг — расм сиз-


ни зиллодек тиниқ сув томон етаклайди. Ўзингизни текшириб кўринг. Биринчи таассурот, биринчи қараш буни аниқлаб беради. Яъни сиз биринчи бўлиб кимни



кўрдингиз — қизини ёки кампирни?!

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

БОШҚОТИРМА



БЎЙИГА: Ёшмон, Кат. Ини. Рак. Том. Атан. Трап. Тана. Танк. Нидо. Вата. Краб. Така. Жийда. Хаста. Олима. Таноб. Атала. Автор.

Аскар. Сафар. Олчин. Санам. Сопол. Устун. Трико. Тамға. Элакча. Туркум. Минора. Бедана. Нашатир. Шишадам.

ЭНИГА: Ёшмон. Лом. Тил. Нок. Ара. Тул. Оми. Шон. Шим. Хато. Капа. Атом. Уран. Атир. Таом. Кана. Сари. Сато. Субут. Чодир. Асира. Кекса. Опача. Дайди. Ижара. Ралли. Тилак.

Нажот. Кано. Олтин. Биржа. Астар. Рикша. Работ. Манту. Сумма. Нодир. Фанта.

Тузди: **Расулжон МУХТОРОВ**

"Hamkorbank" АТБ нинг ташкил топганига бу йил 30 йил тўлади. Ушбу қутлуғ шодиёна муносабати билан таҳририятимиз "Биргаликда юксалиш сари!" ижодий танловини эълон қилади.

Диққат, танлов!

"БИРГАЛИКДА ЮКСАЛИШ САРИ!"

Танлов материаллари (турли жанрлардаги мақолалар, кичик ҳажмдаги бадиий асарлар, суратлар)да мазкур банкнинг тарих зарварақларидаги ёрқин йўли, унутилмас воқеликлар, мамлакатимиз молия бозоридаги ўзига хос ўрни, жамоанинг кенг қамровли фаолияти, шунингдек, банк фахрийлари, фидойилари ҳаётидан лавҳалар, ҳамкасбларнинг хотиралари ўз ифодасини топиши керак.

Жорий йилнинг 1 августига қадар давом этадиган танловда профессионал журналистлар, публицистлар, ёзувчи ва шоирлар ҳамда ҳаваскор қаламкашлар, ижодга қизиқувчи банк ходимлари иштирок этиши мумкин.

Ўбориладиган материаллар ҳажми 14 ҳарф катталигида 2 босма қоғоздан ошмаслиги ва унга "Биргаликда юксалиш сари!" танловига, деб кўрсатилиши шарт. Таҳрир ҳайъати томонидан танлаб олинган материаллар газетамиз



саҳифаларида эълон қилинади. Энг саралари китоб шаклидаги байрам тўпламига киритилади. Танлов ғолиблари "Hamkorbank" АТБнинг қутлуғ байрами арафасида қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Қадрли ижодкорлар, қаламкашлар, ҳамкасблар! Танловимизда иштирок этинг, "Hamkorbank" АТБнинг янада юксалишига биргаликда ҳисса қўшинг, юбилей совғаларининг совриндорига айланинг! Бу борада Сизга ижодий муваффақият ва омадлар тилаб қоламиз.

Бизнинг манзил: 105100. Андижон шаҳри Бобур шоҳқўчаси 53-уй. Тел.: 78-298-01-07.

Email: — hamkor.press@mail.ru, t.me/hamkorpress_gazeta

**"Hamkor press"
газетаси таҳририяти**



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: **А. НАЗАРОВ**

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасида 2018 йил 08 июнда 12-041 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул: **Н.ИУЛДОШЕВА**
Саҳифаловчи: **А. КАБИРОВ**
Манзилимиз: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 378 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-149 Адади: 6160
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.